

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**АРХЕОЛОГИЯ, ҚАДИМГИ ДУНЁ ТАРИХИ
ВА ЭТНОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ**

(Илмий мақолалар тўплами)

*Самарқанд илмий-техник
кенгашининг 2016 йил 20 апрелдаги
№ 5-сонли мажлис баётномаси
бидан нашрга тавсия этилган.*

Самарқанд – 2016

УЎК 902.6 (575.1)

КБК 63.4(5 Уз)

3 37

Археология, қадимги дунё тарихи ва этнология масалалари.
Илмий мақолалар тўплами. –Самарқанд: СамДУ нашри, 2016. –154 бет.

**Ушибу илмий мақолалар тўплами Археология кафедрасининг
45 йиллиги, таниқли археолог олим Нона Армаисовна Аванесова
таваллудининг 75 йиллигига бағишиланади.**

Мазкур илмий тўпламда археология, қадимги дунё тарихи ва этнология фанлари миқёсида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан сўнгги йилларда олиб борилган ва бажарилган илмий тадқиқот ишларининг ҳамда магистр ва иқтидорли талабалар илмий изланишиларининг асосий натижалари ўрин олган. Илмий мақолалар асосан кафедранинг илмий тадқиқот мавзуси бўлган «Икки дарё оралиги илк цивилизацияси тарихи» доирасида амалга оширилган дала ва лаборатория тадқиқотларига таянишиб ёзилган. Икки дарё оралиги, хусусан, Зарафшин воҳаси инсоният маданият тарихи кишилик тарихи тараққиёт босқичлари кетма-кетлигида узлуксиз, автохтон тарзда тадрижий ривожланганини янги археологик ва этнологик манбалар асосида ҳамда тарихий манбаларга янги ёндашув таҳлилида кундан-кунга равшан бўймоқда. Илмий тўплам материалари тарихчи, археолог талабалар, археология мутахассислиги магистрларига, мустақил тадқиқотчилар ҳамда Ватанимиз тарихи билан қизиқувчи кенг доирадаги ўқувчиларга мўлжалланган.

Масъул мухаррир: т.ф.д., профессор **Джуракулов М.Д.**

Тақризчилар: т.ф.д. профессор **Сайдов И.М.,**
тарих фанлари номзоди **Мирзаахмедов Ж.К.**

ISBN 978-9943-997-16-5

© Самарқанд давлат университети, 2016.

Абдуллаев Ш., Муминов О.

КОФИРҚАЛЬА НАУСЛАРИ ВА ОСТАДОНЛАРИ ҲАҚИДА

АЙРИМ МУЛОХАЗАЛАР

Зардустийлик дини эрамиздан аввалги VIII асрда Ўрта Осиёда пайдо бўлган. Бу дининг асосчиси Зардустира бўлиб, диннинг асосий ғояси бўйича ҳаёт яхшилик ва ёмонлик, ёргулук билан зулмат, ер усти билан ер ости дунёси ўртасидаги курашлардан иборатдир. Ушбу динда тўрт унсур - олов, сув, хаво ва ери ташкил этади ва улар муқаддас саналади. Шу сабабдан, ер, сувни, олов ва ҳавони ифлослантирумасдан, тоза ва озода саклаш зардустийлик динининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Илк ўрта асрлардаги Суғдни дағн маросимларига эътибор берадиган бўлсақ, бу борада айрим ўзига хос урф – одатлар, маросимлар жорий эътилганлигини гувоҳи бўламиз. Ушбу худудда илк ўрта асрларда мархумни остатонларга солиб дағн этиш кенг таркалган. Сугд остатонларининг шакли ва тузилиши жиҳатидан ҳар бир туманники ҳар хил бўлганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Марказий ва жанубий суғд остатонлари тўғри тўрт бурчак шаклда бўлса Панжикент остатонлари овал кўринишга эга. Остатонлар деворларида ҳар хил тасвиirlар баъзи ҳолларда худолар тасвири билан безатилади. Науслар – зардустийларнинг остатон (оссуарий)ларини саклаш учун хизмат қилинган иншоот. Ўликларни коялар, баланд тепаликлар устига ташлаб, йирткич ҳайвон ва қушларга мурдани едирганлар, кейинчалик уларнинг суюкларини остатонларга солиб наусларга кўйилган. Сугд воҳасидан ана шундай наус ва остатонлар топилган бўлиб, улар ўзида зардустийлик урф-одатини намоён килган. Кофиркалъа ёдгорлигининг жанубида алоҳида кичкина бир қанча тепаликлар мавжуд бўлиб, 1938- йилда И.А. Сухарев томонидан ушбу тепаликларда археологик тадқиқот ишлари амалга оширилди¹⁶¹. Натижада бир нечта науслар казишмалар натижасида очилган бўлиб, улар типик шаклда курилган, уларда остатонлар, ҳум бўлаклари ва суюк колдиклари тадқиқотчи томонидан қайд этилган. Ушбу наус тўғри туртбурчак шаклда, ҳажми кичик (1,24x2,4 м) бўлиб, томлари гумбазсимон қилиб курилган. Бу науснинг асоси паҳсадан устига тўғри туртбурчакли ҳом гиштдан бунёд этилган. Фиштнинг ўлчами 46x48 48x22 смни ташкил қиласи. Шунингдек, бу жойнинг марказидан квадрат шаклидаги ўйиги мавжуд бўлган сугд тангалари ва бронзадан ясалган найза ўқларинг учлари ҳам топилган. Ҳарбий ҳаракатлар окибатида науснинг бузилганлигини кўрсатувчи археологик маълумотлар бу ердаги қабрларни VII асрнинг охири ва VIII асрнинг ўрталари билан саналаш имконини беради¹⁶².

¹⁶¹ Григорьев Г.В.К вопросу о художественным ремесле домусулманского Согда // КСИИМК.. № 12. –М-Л, 1946. С.94-103

¹⁶² Сухарев И.А. Отчет по раскопкам зороастрийских наусов городища Кафыркала // Архив ГМИКИУ, д. 568. Самарканд. 1938. С.36.

Науслардан топилган остадонларнинг факат олди томони безатилган, орка ва ён томонлари эса ахён-ахёнда кулф тешиги ёки тор тешик қилинган. Ушбу остадонлар тўғри турбурчак шаклда бўлиб унинг таркибида дресба ва сомонни учратиш мумкин хамда уларга оддий шаклда нақш солинган.

1956-1957 йилда Г.В. Шишкина ёдгорлик аркидан 170 м жанубий-шаркий томонида жойлашган квадрат шаклдаги, томонлари 36 м тепаликда археологик қазишима ишларини олиб борди. Тепаликнинг баландлиги 7 м бўлиб, тадқикотлар давомида ушбу тепаликдан бир-бирига уланиб кетган тўғритўртбурчакли хоналар очиб ўрганилган. Хоналар деворлари пахса ва хом ғиштдан қилинган. Марказий хоналар деворларида тор тешиклар қолдиклари тадқиқотчи томонидан қайд этилди. Бу тешиклар режа асосида қилинган бўлиб, уларнинг сони 46 тани ташкил этади. Тадқиқотчи ушбу тешикларни хонани иситишида ва ёзда шамоллатиш тизимини бажарганини қайт этган. Ушбу хоналардан остадон парчаларининг учраганлиги ҳам қайт этилган. Г.В.Шишкинанинг таъкидлашича, марказий хоналар дехқоннинг кўргони бўлиб, унинг атрофида ёрдамчи хоналари қурилган. Ахоли томонидан ушбу хоналар ташлаб кетилганидан кейин остадонлар сакланадиган наусга айлантирилган¹⁶³. В.А.Нильсен 1965 йилда чоп этган “К вопросу о назначении согдийского здания около Кафыр-кала под Самарканом” мақоласида марказий хоналар даҳма вазифасини бажарганлигини, яъни остадон сакланадиган жой бўлиб одамлар вафот этганларидан кейин уларнинг суяклари тозаланиб, остадонларга солиниб наусларда саклаганлигини, хоналардаги маҳсус тешиклар эса шамоллатиш учун хизмат килганлигини таъкидлайди. Ислом динининг кириб келиши билан ташлаб кетилган, деган хulosани беради. Кофирқалъадан топилган калитни диний қадрият билан bogлашга ҳаракат килади. Биянайман остадонларда коҳинларни шунга ўхшаш калитни ушлаб турганлиги келтириб ўтилган. Унинг таъкидлашича, бир қанча қайта қурилишларда, уларнинг ички тузилишини ўзгартирган бўлса ҳам лекин диний қадриятлар ўзгармаган ҳолда араблар босқинига кадар сакланиб қолган¹⁶⁴. Ю.Якубовнинг таъкидлашича, даҳма бугунги кунда Эрон ва Ҳиндистонда ҳамма томони ёпиқ бино бўлиб, суяк тозалангандан кейин, ушбу бинонинг юкорисидан колдиклар ташланади. Марказий Осиё зардушт одатига кўра, суяк тоза бўлганидан кейин уларни остадонларга солиб, яхлит ичкариси кўп бўлмаган хоналарга яъни, наусларга кўйилади. Шундай экан, у даҳма эмас, балки катта дехконнинг кўргони бўлган. Бу ердаги хоналар ва ундаги тешиклар сояки узум қуритиш учун хизмат қилган. Сояки узумларни бугунги кунда ҳам Марказий Осиёда кенг кўлланилади деб таъкидлайди ва иккита қурилиш даврига бўлади. Биринчи даврда марказий хона қурилган.

¹⁶³ Шишкина Г.В.Раннесредневековая селская усадьба под Самарканом//ИМКУ. Вып. 2. Т., 1961. С.192-222.

¹⁶⁴ Нильсен В.А. К вопросу о назначении согдийского здания около Кафыркалы под Самарканом // ИМКУ. Вып. 6. Т., 1965. С.116-123.

Иккинчи курилиш даврида атрофидаги коридор ва туташиб кетган хоналар курилганлигини таъкидлайди ва унинг биринчи кавати аналогик жихатдан Филмандарга ўхшашлигини таъкидлайди. Биринчи каватда ишлаб чикаришда иккинчисида эса яшашда фойдаланганлигини кўрсатиб ўтади¹⁶⁵. Сеталак 1 ибодатхонасида тадқиқот ишларини олиб борган Р.Х. Сулаймонов Кофиркалья атрофидаги иншоот “ семантикаси ва ўзига хос конструкциясига кўра” Бухоро ва Тошкент воҳасидаги аниқланган диний иншоотларга ўхшаш деган фикрни билдиради¹⁶⁶. С.К.Кабанов ҳам Г.В. Шишканининг фикрини кўллаган холда, бино бир вақтнинг ўзида курилгани таъкидлайди, лекин ундан фаркли равишда девордаги тешикларни ёритиш тизими ҳамда ҳаво алмаштириш вазифасини бажарган деган хulosага келади¹⁶⁷ Г.Л.Семеновнинг 1996 йилда нашр этилган “Согдийская фортификация V-VIII вв” номли асарида иншоотни иккита курилиш даврига бўлади. Биринчи курилиш даврида бинонинг режаси Филмандир қасрига ўхшаш бўлганлиги, иккинчи курилиш даврида марказий хонанинг атрофини коридор билан ажратиб турувчи бир канча хоналар бўлганлигини кайд этади¹⁶⁸. Ф. Грене ва Г.А. Пугаченковалар Г.В. Шишканининг илмий хulosаларини кўллаган холда “кишлок макони” дея таъкидлайди¹⁶⁹.

Шундай килиб, Кофиркальядан топилган наус ва остадонларнинг курилиш ва ясалиш техникаси, шакли, накшлари ва безакларидағи “сюжет”лари, ва албатта, қўлланилишига кўра, аввалло “локал” маҳаллий хусусиятларни ўзида акс эттирган. Остадонларнинг баъзи шаклига кўра Фарғона¹⁷⁰, Чоҷ¹⁷¹, Устиришона¹⁷² остадонларига ўхшаш. Панжикент харобаларидан ушбу типдаги бир неча науслар очилган¹⁷³. Қиёсий таҳлилга кўра ушбу остадонлар милодий эранинг VII асрнинг иккинчи ярми VIII асрнинг бошлари билан даврлаштирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Богомолов Г.И. К изучению оссуарного обряда Чача //ИМКУ. Вып.35. Т., 2006.
2. G r e n e F. Les pratiques fineraires dans l'Asie Centrale sedentaire de la conquete grecque a l'islamisations. Paris, 1984.

¹⁶⁵ Якубов Ю. Раннесредневековые селские поселения горного Согда. – Душанбе, 1988. С.57-58

¹⁶⁶ Сулаймонов Р.Х. Об истоках раннесредневековой культуры древней Бухарского оазиса // УСА вып. 4, - Л., 1979. С.19

¹⁶⁷ Кабанов С.К. Культура селских поселений Южного Согда III-V вв. Т.. 1981. С.32

¹⁶⁸ Семенов Г.Л. Согдийская фортификация. -СПб.. 1996. С.39

¹⁶⁹ G r e n e F. Les pratiques fineraires dans l'Asie Centrale sedentaire de la conquete grecque a l'islamisations. - Paris, 1984.R.167-169.; 1984.; Пугаченкова Г.А. К интерпретации здания близ Кафиркалы//Общественные науки в -Узбекистане. №2. Т.. 2002. С.90.

¹⁷⁰ Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. Т..2009. С.49-50

¹⁷¹ Богомолов Г.И. К изучению оссуарного обряда Чача//ИМКУ.Вып.35. Т.. 2006. С.183-191

¹⁷² Грицина А.А. Уструшанские быт.Т.,2000. С.190-193

¹⁷³ Ставиский Б.Я., Большаков О.Г. ,Мончадская Е.А. Пянжикентский никрополь//МИА. № 37. С.65-77.

3. Григорев Г.В.К вопросу о художественным ремесле домусулманского Согда // КСИИМК, № 12. –М-Л., 1946.
4. Грицина А.А. Уструшанские был.Т., 2000.
5. Кабанов С.К. Культура селских поселений Южного Согда III-V вв. Т., 1981.
6. Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. Т., 2009.
7. Нильсен В.А. К вопросу о назначении согдийского здания около Кафыркалы под Самаркандом // ИМКУ. Вып. 6. Т., 1965.
8. Пугаченкова Г.А. К интерпретации здания близ Кафиркалы // Общественные науки в -Узбекистане. №2. Т., 2002.
9. Семенов Г.Л. Согдийская фортификация. СПб.. 1996
10. Ставиский Б.Я., Большаков О.Г., Мончадская Е.А. Пянжикентский никрополь // МИА. № 37.
11. Сулеймонов Р.Х. Об истоках раннесредневековой культуры древней Бухарского оазиса // УСА вып. 4, Л., 1979.
12. Сухарев И.А. Отчет по раскопкам зороастрийских наусов городища Кафыркала // Архив ГМИКИУ, Д. 568. Самарканд, 1938.
13. Шишкина Г.В. Раннесредневековая селская усадба под Самаркандом // ИМКУ. Вып. 2. Т., 1961.
14. Якубов Ю. Раннесредневековые селские поселения горного Согда. Душанбе, 1988

С.Хўжамов, магистр

АФРОСИЁБ ДЕВОРИЙ СУРАТЛАРИНИНГ ТАЪМИРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯСИ

1965 йилдан бошлаб Афросиёб деворий суратларини таъмирлаш технологияси ва усулларини яратиш учун А.Абдураззоков бошлилигига илмий тадқикот ишлари бошлаб юборилди. Афросиёб деворий суратларининг тўртта деворида рангли расмлар билан безатилган турли тарихий воеалар тасвирланган эди. Ўша вактда бу деворий расмларни саклаб қолиш учун Республика Фанлар Академияси раҳбарияти шошилинч равишда зарур ва кечикириб бўлмайдиган илмий ва ташкилий чораларни кўрдилар, маҳсус карорлар ва тизимларни ишлаб чикдилар. Улар орасида энг асосийси тарих ва археология институти таркибида Ўзбекистонда ягона бўлган «Археологик топилмаларини таъмирлаш ва кимёвий-технологик ўрганиш» лабораторияси ташкил этилди.¹⁷⁴

Бу илмий тадқикот марказнинг очилишидан мақсад халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихига мансуб бўлган ранг-баранг моддий ва маданий ёдгорликларни, ер остидан топилаётган турли хил ҳунармандчилик маҳсулотларини саклаб қолиш, таъмирлаш ҳамда уларни ишлаб чиқариш ва безак бериш усулларини ўрганишдан иборат эди. Бу